

# Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 16 апрель санасидаги савдо яқунлари

// 17.04.2020

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20200416>

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 16 апрель санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.

Жорий йилнинг 16 апрель куни "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали 12343 тонна 26525 млн. сўмлик минерал ўғитлар сотилди, бу кўрсаткич 15 апрель санасига қараганда кўтарилган яъни 15 апрель куни 16764 млн. сўмлик 8253 тонна минерал ўғитлар сотилган эди.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидаги "Фарғонаазот" АЖ, "Махсам-Chirchiq" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ, "Амтафос-Махсам" АЖ, "Самарқанд НРК" ва "Деҳқонобод калий заводи" АЖлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, PS-Агро, NPK-S (Ca, Mg, Fe), калийли, NPK (5:14:14), нитрокальций-фосфат (НКФУ) маҳсулотлари қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 70 фоизини ташкил этади. Ҳаридорларнинг асосий қисмини пахта ва ғалла етиштирувчи кластер ва фермер хўжаликлари ташкил этди.

Шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, калцияланган сода, азот кислотаси ва суюқ кислород каби 100 га яқин кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади. 16 апрель куни жами 647,1 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилди. Сотувнинг асосий қисмини калцияланган сода маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни [www.uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz) расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътирозларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**